

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.31.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

БЕРДИЕВА ХИЛОЛАХОН УМАРЖАНОВНА

**БОЛАЛАРДА ЭНЦЕФАЛИТЛАРНИНГ КЛИНИК-
НЕЙРОВИЗУАЛИЗАЦИОН ХУСУСИЯТЛАРИ**

14.00.13 – Неврология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Бердиева Хилолахон Умаржановна

Болаларда энцефалитларнинг клиник-нейровизуализацион хусусиятлари 3

Бердиева Хилолахон Умаржановна

Клинико-нейровизуализационные особенности энцефалитов у детей .. 27

Berdieva Khilolakhon Umarjanovna

Clinical and neuroimaging features of encephalitis in children 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 55

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.31.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

БЕРДИЕВА ХИЛОЛАХОН УМАРЖАНОВНА

**БОЛАЛАРДА ЭНЦЕФАЛИТЛАРНИНГ КЛИНИК-
НЕЙРОВИЗУАЛИЗАЦИОН ХУСУСИЯТЛАРИ**

14.00.13 – Неврология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Олий аттестация комиссиясида В2019.1.PhD/Tib758 ракам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент педиатрия тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tirpe.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Садикова Гулчехра Кабуловна,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оponentлар:

Аликулова Нигора Абдукадировна,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Джурабекова Азиза Тахировна,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Бухоро давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази ҳузурдаги DSc.04/30.12.2019.Tib.31.01 ракамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «21» декабр куни соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100007, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Паркент кўчаси, 51-уй. Тел./Факс: (+998) 71-268-17-44; e-mail: info@tirpe.uz).

Диссертация билан Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (109 ракам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100007, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Паркент кўчаси, 51-уй. Тел./Факс: (+998) 71-268-17-44.

Диссертация автореферати 2021 йил «4» декабр куни таркатилди.

(2021 йил « » даги ракамли реестр баённомаси).



Х.А.Акилов,
илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.Н.Убайдуллаева,
илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Б.Г.Гафуров,
илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
кошидаги Илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда болалар контингенти орасида учрайдиган неврологик касалликлар ичида нейроинфекциялар натижасида юзага келадиган патологик ўзгаришлар кенг тарқалган муаммолардан биридир. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотига кўра, «...марказий асаб тизимининг турли даражадаги вируслар билан зарарланиши натижасида юзага келадиган менингитлар, энцефалитлар орқали юзага келадиган ўзгаришлар 14 ёшлилар орасида 75% ни ташкил қилиш билан биргаликда қатор қаймас ўзгаришларни юзага келтиради...»¹. Болаликда бу патологик ҳолат ўзига хос оғир кечиши, неврологик асоратларнинг тез-тез учраб туриши, шунингдек, ўлим даражасининг юқори кўрсаткичи билан ажралиб туради. Болаларда энцефалитларнинг неврологик асоратларини олдини олиш тартибини яратиш болалар неврологиясининг энг долзарб муаммоли масалаларидан бири ҳисобланади.

Жаҳонда болалар орасида энцефалитларнинг клиник-нейровизуализацион хусусиятларини такомиллаштириш мақсадида қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада, энцефалитлар ўткир ости ва қолдиқ даври турлари билан хасталанган болаларнинг нейробиологик ҳолатини баҳолаш; турли даврларда юзага келувчи неврологик бузилишларнинг ривожланишида иммун ҳолатининг патогенетик ўрнини аниқлаш; КТ, МРТ ва ЭЭГ ёрдамида нейровизуализацион ўзгаришларни ҳамда болаларда бирламчи ва иккиламчи энцефалитларни ташхислаш ва қиёсий ташхис мезонлари алгоритминини ишлаб чиқиш борасида қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Болаларда энцефалитларнинг клиник-нейровизуализацион хусусиятларини эрта аниқлаш ва касалликни даволашнинг самарали тартибини ишлаб чиқиш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш хизматини такомиллаштириш, жумладан, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини сифат жиҳатидан яхшилашга, касалликларни самарали даволаш бўйича кенг кўламли чора-тадбирларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада, «...тиббий ёрдам самарадорлиги ва сифатини ҳамда ундан фойдаланиш имкониятини ошириш, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларнинг олдини олиш, шу жумладан, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, диагностика ва даволашнинг юқори технологик усуллари ва самарали моделларини жорий этиш...»² каби вазифалар белгиланган. Шундан келиб чиққан ҳолда аҳоли орасида болаларда энцефалитларни эрта аниқлаш ва

¹ WHO. Информационный бюллетень ВОЗ. Выпуск 95, номер 11, ноябрь 2017; 95:734-735, 729-792. doi: <http://dx.doi.org/10.2471/BLT.17.021117>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сонли «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони.

асоратларининг олдини олишга қаратилган тадбирларни амалга ошириш, аҳолига тиббий-ижтимоий ёрдам тўлақонлигини ошириш, ўлим ва ногиронлик кўрсаткичларини пасайтириш ҳамда ҳаёт сифатини ошириш долзарб илмий йўналишлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сонли «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сонли «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сонли «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Болаларда энцефалитлар марказий асаб тизимининг энг кенг тарқалган касалликларидан бўлиб, у туфайли асаб тизимидаги органик ўзгаришлар билан боғлиқ оғир ногиронлик асоратлари келиб чиқиши исботланган (Bidabadi E., Salehi Z., 2016). Бугунги кунда болаларда энцефалит ташхисини қўйиш учун клиник ва нейровизуализацион параметрларни ўз ичига олган, умумқабул қилинган омиллар мавжудлиги аниқланган (Abrahams B.S., et al., 2010). Сўнгги йилларда марказий асаб тизимида органик зарар етказувчи узоқ давом этган омиллар туфайли касалликнинг атипик кечиши даражаси ортиб бориши баҳоланган (Ю.В.Лобзин ва ҳаммуал., 2015). Шу муносабат билан болаларда энцефалитларнинг клиник-нейрофизиологик хусусиятларини аниқлаш ва касалликни самарали даволаш тактикаси ишлаб чиқилган (Е.Н.Имянитов ва ҳаммуал., 2017). Ўтқир вирусли энцефалит билан касалланган беморларда ўлим даражаси юқорилиги ҳамда ногиронлик асорати ривожланишида касалликнинг патогенези муҳим ўрин тутиши исботланган (В.Ф.Учайкин, 2013; Н.В.Скрипченко, 2017). Марказий асаб тизимининг зарарланиши, кўпинча, боланинг ёшига, иммун тизимида, гематоэнцефалик тўсиққа боғлиқлиги аниқланган (Е.И.Гусев ва ҳаммуал., 2019).

Ўзбекистонда қатор муаллифлар болалардаги энцефалитларда нерв тизимида юзага келадиган иммун ўзгаришларни баҳолаш бўйича иш олиб боришган (Х.М.Ҳалимова, 2015; Г.К.Садиқова, 2019; М.А.Нурмухамедова, 2015). Бунда, болалар энцефалит касаллиги билан оғриганда, гуморал иммунитет (IgM) пасайиши аниқланган.

Энцефалитнинг қолдиқ даври босқичини даволашда озонланган церебрализин препарати самарадорлиги баҳоланган (Ниёзов Ш.Т., 2020).

Энцефалит ўтказган болаларда клиник-неврологик, нейрофизиологик ва иммунологик ўзгаришларни эрта ташхислаш ва реабилитация қилиш чора-тадбирларини оптималлаштиришга қаратилган қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Жумладан, энцефалит асорати даврида болаларнинг тўлақонли ҳаёт сифатини ошириш ва кўп тармоқли дифференциалланган даволаш чораларини такомиллаштириш муҳим амалий аҳамиятга эга.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Асаб касалликларида қон-томир, яллиғланиш, дегенератив ва наслий нерв-мушак касалликларининг патогенетик хусусиятлари» мавзусидаги илмий йўналиш доирасида бажарилган (2018–2020 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади болаларда бирламчи герпетик ва иккиламчи энцефалитларнинг клиник-неврологик хусусиятларини невровизуализацион кўрсаткичлар билан таққослаш ҳамда дифференциал ташхислаш мезонларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

болалар энцефалити клиникасини неврологик белгилар муддатига қараб баҳолаш;

ўткирости ва асоратли кечувчи энцефалит билан хасталанган болаларнинг невропсихологик ҳолатини баҳолаш;

болаларда энцефалитнинг турли даврларида неврологик бузилишларнинг ривожланишида иммун тизимининг патогенетик ўрнини баҳолаш;

энцефалитнинг турли даврларида (КТ, МРТ ва ЭЭГ) невровизуал ўзгаришларни аниқлаш ва клиникаси билан таққослаш;

болаларда бирламчи герпетик ва иккиламчи энцефалитларнинг ташхислаш ва қиёсий ташхис мезонлари алгоритминини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг шифохонаси олинган бўлиб, тадқиқотга 2013–2021 йилларда даволанган 3 ойдан 17 ёшгача бўлган бирламчи герпетик ва иккиламчи энцефалит билан хасталанган 101 нафар (42 нафар бирламчи герпетик ва 59 нафар иккиламчи энцефалит) болалар жалб қилинган.

Тадқиқотнинг предметини иммунологик ҳолатни баҳолаш учун периферик қон таҳлили, электроэнцефалограмма ва компьютер томограмма ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот ишида клиник, неврологик, нейрофизиологик, иммунологик ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат:

герпесвирус ҳамда бактериал инфекция омилига қараб энцефалитлар билан касалланган болаларда неврологик асоратларнинг авж олишида гуморал ва ҳужайра иммун тизими (CD4, CD8, CD16, CD25 маркерлари) кўрсаткичлари пасайиши аниқланган;

бирламчи герпетик ва иккиламчи энцефалитларнинг нейровизуализацион хусусиятлари сигналларнинг сони ва ҳажми ҳамда уларнинг жойлашуви, болаларда қолдиқ даври герпесвирус ва бактериал инфекция мавжудлиги билан боғлиқлиги исботланган;

энцефалит билан хасталанган болаларда тизимли ва гуморал иммунитет фаоллашиши ҳамда иммуноглобулин G синтези ошиши қолдиқ даври неврологик асоратларнинг ривожланишида прогностик маркер бўлиши аниқланган;

неврологик асоратларнинг узоқ кечиши билан когнитив фаолият ва психоэмоционал белгиларнинг кучайиши орасида боғлиқлик аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

энцефалит билан оғриган болаларда бирламчи герпетик ва иккиламчи энцефалитнинг қиёсий ташхислаш мезонлари ишлаб чиқилган;

эрта тикланиш даврида ўз вақтида даволашга ҳисса қўшиш имконини берадиган кўрсатмалар тавсия этилган;

нейровизуализацион ва иммуннологик хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда энцефалитни ташхислаш алгоритми ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, бири иккинчисини тўлдирадиган анамнез, неврологик, нейрофизиологик, иммунологик ва статистик текширув усуллари асосида болаларда энцефалитларнинг клиник-нейровизуализацион хусусиятларини такомиллаштиришнинг ўзига хослиги халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти неврологик бузилишлар кечишининг оғирлиги, бактерил ва вирусли асоратларнинг ривожланиш механизми, унинг болаларда юзага келадиган иммунологик етишмовчилик билан боғлиқлигининг назарий асослари яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти бирламчи ва иккиламчи энцефалитларда оғир неврологик асоратлар оқибатини камайтиришга имкон берадиган қиёсий ташхислаш мезонлари ҳамда нейровизуал мониторингнинг мақбул алгоритми ишлаб чиқилганлиги, касалликни эрта ташхислаш ва тўғри даволаш тартибининг амалий аҳамияти очиб берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Болаларда энцефалитларнинг клиник-нейровизуал хусусиятларини баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Болаларда энцефалитларни ташхислаш алгоритми» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 28 мартдаги 8н-д/116-сонли маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома натижалари болаларда энцефалитларнинг клиник-нейровизуализацион хусусиятларини эрта ташхислаш, касалликни ўз вақтида самарали даволаш тартибини тизимли ташкиллаштириш имконини берган;

болаларда энцефалитларнинг клиник-нейровизуализацион хусусиятларини ташхислаш ва даволаш тартибини такомиллаштириш асосида олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Бухоро вилояти кўп тармоқли болалар шифохонаси ва Фарғона вилояти Қўқон шаҳар болалар шифохонаси неврология бўлимларининг клиник амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 19 ноябрдаги 08-09/17992-сонли маълумотномаси). Олинган илмий натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши болаларда энцефалитни эрта ташхислаш алгоритминини қиёслаш орқали амалиётга жорий қилиш, болаларда энцефалитларни эрта ташхислаш мезонларини татбиқ қилиш натижасида болалар ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий анжуманда, жумладан, 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, асосий матн 115 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари тақдим этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр қилинган ишлар, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациясининг «**Болаларда энцефалит ташхиси замонавий масалаларининг долзарб муаммолари**» деб номланган биринчи бобида эпидемиологик тадқиқотлар, болаларда энцефалит (ЭФ) патомеханизми масалаларини акс эттирувчи замонавий адабий манбалар кўриб чиқилган ва таҳлил қилинган. Нейровизул тадқиқотларга алоҳида эътибор берилган.

Диссертациянинг «**Болаларда энцефалитларнинг клиник-нейровизуализацион хусусиятларини баҳолаш материал ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида ўрганилган материал ва тадқиқот усуллари келтирилган. Тадқиқот асосини 2013 йилдан 2020 йилгача бўлган даврда ТошПТИ клиникасининг Болалар неврологияси бўлимига ётқизилган, ЭФ ўтказган 101 нафар боланинг текширув маълумотлари ташкил қилади. 1-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, ЭФ билан касалланган болаларнинг энг юқори касалланиш даражаси 1–6 ёшга (53,4%) тўғри келади.

Болаларнинг жинси бўйича тақсимланишини таҳлил қилганда ўғил болаларнинг қизлардан устунлиги аниқланди (мос равишда 59% ва 41%), бу нисбат мос равишда 1,5:1 ни ташкил этди.

Ташхис тиббий хужжатларга кўра, анамнестик маълумотларни таҳлил қилиш, неврологик ҳолат, клиник ва лаборатория, нейровизуализацион ва иммунологик тадқиқот усуллари ўрганиш натижалари асосида амалга оширилди. Бундан ташқари, ташхис қўйишда ХКТ-10 ва Е.И.Гусев ва ҳаммуаллифларнинг (Неврология. Миллий йўриқнома. Ред. Е.И.Гусев, А.Н.Коновалов, В.И.Скворцова, А.Б.Гехт, 2009) энцефалитларга берган таснифидан фойдаланилди.

1-жадвал

Болаларнинг ёш градацияси 3 ойдан 17 ёшгача бўлган болаларнинг жинси ва ёши бўйича тақсимланиши

Ёш	Ўғил болалар		Қиз болалар		Жами	
	абс.	%	абс.	%	абс.	%
1 ёшгача	10	16,7	6	14,6	16	15,8
1–3 ёш	18	30,0	9	22,0	27	26,7
4–6 ёш	15	25,0	12	29,3	27	26,7
7–12 ёш	12	20,0	10	24,4	22	21,8
13–17 ёш	5	8,3	4	9,8	9	8,9
Жами	60	59,4	41	40,6	101	100,0

16 нафар болада ЭФнинг ўткир бўлмаган кечиши кузатилди, бу 15,8% ни ташкил этди, қолдиқ даври ЭФнинг кечиши 84,2% беморларда (85/101) кузатилди.

Тадқиқот давомида 2 та гуруҳ ташкил этилди: 1-гуруҳга герпетик этиологияли бирламчи энцефалит (БГЭ) билан 42 нафар бола (41,6%), 2-гуруҳга иккиламчи энцефалит (ИЭ) билан 59 нафар бола (58,4%) киритилди.

Эпилепсия билан, ирсий дегенератив касалликлар билан, доимий органик неврологик патология фонидаги бирламчи ва иккиламчи

энцефалит билан касалланган болаларни ўрганиш гуруҳларига киритмадик.

Назорат гуруҳи 20 нафар соғлом боладан иборат бўлиб, беморлар жинси ва ёши бўйича таққосланган.

Клиник баҳолаш мунтазам равишда амалга оширилди. Болаларни тўлиқ неврологик текшириш бош мия нервлари, мотор, рефлекс, сезувчи ва координатор соҳаларни ўрганишни ўз ичига олган.

Нейропсихологик тадқиқотлар 10 та сўзни эслаш (А.Р.Лурия), усул 6–7 ёшли болаларда беихтиёр эсда сақлаб қолиш жараёнини ўрганишга мўлжалланган. Болаларнинг психоэмоционал ҳолатини баҳолаш учун Лушер методининг иккинчи субтестидан фойдаланилди (Лушер М., 2003). Мактаб ёшидаги болаларда диққат соҳасини ўрганиш Бурдон-Анфимов намуна тести ёрдамида баҳоланди. 5–6 ёшли болаларда диққат функциясини текширишда «Топ ва ўчир» усулидан фойдаланилди (Р.С.Немов, 2002). Тулуз-Перон тести (Бошланғич ва ўрта мактаблар учун вариантлар) – ихтиёрий диққатнинг ҳажми ва сифати (диққат, барқарорлик, тақсимот, кейинги босқичга ўтиш), нейрофизиологик асосга эга бўлган диққат бузилишлари ҳамда ўқувчидаги руҳий жараёнларнинг хусусиятлари.

ЭЭГ спектрал хариталаш 0,3 сония доимий вақтли (2003 йилда ишлаб чиқарилган) «МВН» илмий ва тиббий фирмасининг 16 каналли «Нейрокартограф-1-МБН» электроэнцефалографи ёрдамида амалга оширилди.

МРТ 1,5Т магнит майдони кучига эга Siemens фирмаси қурилмасида амалга оширилди. Бош миянинг магнит-резонанс томографияси коронар ва сагиттал проекцияда Т1 режимида, аксиал проекцияси Т2 режимида амалга оширилди. Кесимнинг қалинлиги ва томографнинг қадами 3–5 мм. Радио частота импульслари генерацияси Т1 спин-панжара ва Т2 спин эхо режимларида амалга оширилди. Спин-панжара Т1 ва спин-эхо Т2 режимларида радиотўлқинли импульслар ҳосил қилинган.

Иммун тизимини ўрганишнинг қуйидаги усуллари қўлланилган: лимфоцитларни периферик қондан ажратиш (Войум, 1968) фикоколл-верографин градиентида моноклонал антитаналар CD3, CD4, CD8, CD16, CD19, CD25 ва CD95 (РФ, Москва, Сорбент, МЧЖ маҳсулоти), лимфоцитларнинг субпопуляция таркибини аниқлаш цитокинлар миқдорини аниқлаш ёрдамида амалга оширилди. *Лимфоцитларнинг субпопуляция таркибини аниқлаш усули.* Имунокомпетент хужайраларнинг фенотипи М.В.Залялиева (2004 й.) усули билан моноклонал антитаналар ёрдамида аниқланди. I (0) гуруҳ Rh-манфий қон гуруҳи барқарорлашган инсон эритроцитлари ёрдамида билвосита розет ҳосил қилиш усули қўлланилган (Вайнбах, 1980).

Олинган натижалар Microsoft Office Excel 2010 дастурий пакети ёрдамида Pentium шахсий компьютерида статистик қайта ишланди, шу жумладан, ички статистик ишлов бериш функцияларидан фойдаланилди.

Диссертациянинг «**Болаларда бирламчи ва иккиламчи энцефалит ташхисининг клиник, нейропсихологик ва лаборатория жиҳатлари**» деб номланган учинчи бобида энцефалит билан хасталанган болаларда неврологик ҳолат динамикасини кузатиш, қиёсий баҳолаш амалга оширилган.

ЭФ билан оғриган болаларда ўтказилган инфекцияларга оид анамнестик маълумотлардан ташқари, бошқа аъзолар, тери ва шиллик пардалар яллиғланишининг умумий юқумли ва миядан ташқари белгилари, неврологик аломатлар билан бир вақтда ёки улар ривожланишидан 1–2 ҳафта олдин марказий асаб тизимининг яллиғланиш касалликлари ривожланишида юқумли омилнинг аҳамияти баҳоланди.

Ҳарорат реакцияси юқумли жараённинг энг хусусиятли кўринишларидан бири бўлиб, унинг йўқлиги кўпинча касалликнинг узок ва қолдиқ даври кечиши, беморнинг фон иммуносупрессияси билан боғлиқ бўлади. Бундан ташқари, ҳарорат реакциясининг йўқлиги яллиғланиш цитокинларининг синтезини бостирадиган муайян патогенлар билан касалланганда содир бўлади. БГЭ ва ИЭ билан оғриган беморлар орасида неврологик белгиларнинг ривожланиши билан ҳароратнинг кўтарилиши 68,7% ҳолатда кузатилди.

Бироқ ҳарорат БГЭ (90,2%), ИЭ (66%) билан касалланган болаларда анча ошди. Айни пайтда фебрил ҳарорат БГЭ билан касалланган болалар учун хос бўлиб, 37,5°C ортиши билан субфебрил ҳарорат ИЭ билан касалланган беморларда кўпроқ тарқалган.

Бошқа симптомларга кўпинча фарингит (69,3%), везикуляр ва нуктасимон-папуляр экзантемалар (43,6%), катталашган лимфа тугунлари (24,8%) ва танглай ва ёноқ шилликларидаги энантемалар (18,8%) киради. Агар бемор гуруҳларида фарингит ва лимфаденит частотасида сезиларли фарқлар бўлмаса, экзантемалар БГЭда ИЭ ($p < 0,05$) билан касалланган болаларга нисбатан анча кенг тарқалган.

Пневмония, кардитлар, гепатит инфекциянинг ноёб экстрацеребрал кўринишлари бўлиб, асосан, БГЭ билан оғриган ёш беморларда, одатда, касалликнинг оғир ёки ўта оғир кечишида ривожланган. Энтеритлар кўпроқ БГЭ ($p < 0,05$) билан касалланган болаларда кузатилган. Умуман олганда, экстрацеребрал юқумли кўринишларнинг энг кўп сони ва спектри БГЭда, камроғи ИЭ билан касалланган болаларда кузатилди.

Ўчоқли неврологик симптомлар орасида пирамидасимон ва мияча симптомлари БГЭ доминант бўлди. Оёқ-қўлларда мушак кучининг пасайиши даражаси БГЭ билан оғриган болалар орасида ИЭ билан оғриган беморларга қараганда ҳам янада аҳамиятли бўлди.

ЭФнинг ўткир ости ва қолдиқ даврида когнитив бузилишлар, epileptik тутқаноқ анча кенг тарқалган (2-жадвалга қаранг).

БГЭ ва ИЭ ҳам касалликнинг кечишидан қатъи назар, пирамидал ва мияча бузилишларининг юқори частотаси, шунингдек, БГЭ (40,0%) қолдиқ даври кечишида яъни қолдиқ даври ИЭдан (20,0%) фарқли

равишда когнитив бузилишларнинг юқори частотаси эътиборни тортади, бунда кўзни ҳаракатлантирувчи нервларнинг бузилишлар (20,0%) кузатилди. Тос аъзолари функциясининг марказий типда бузилиши БГЭда 30,0%, ИЭда 14,3% ($p < 0,05$) ҳолларда содир бўлган. Ўткир бўлмаган ЭФ кечиши 15,8% ($n=16$) беморларда кузатилди ва симптоматиканинг ўртача $25,3 \pm 7,4$ кунгача чўзилиши, $30,0 \pm 9,0$ кунгача барқарорлашиши ва $34,0 \pm 5,0$ кун ичида узоқ тикланиши билан ажралиб турди, оддий герпес вируси ОГВ 1-, 2-тури билан қайта зарарланиш, шунингдек, этиотроп даволашнинг йўқлиги касалликнинг узоқ вақт кечишига сабаб бўлди.

85 нафар (84,2%) болада содир бўлган ЭФнинг қолдиқ даври кузатилган, 23 нафар бемор эрта ёшда, 62 нафари эса 13 ёшдан катта бўлган. Касалликда неврологик белгиларнинг секин ривожланиши кузатилган.

2-жадвал

Болаларда БГЭ ва ИЭда клиник ва неврологик белгиларнинг кечишига қараб дифференциал-диагностик хусусиятлар (ЎБ – ўткир бўлмаган кечиши; ҚД – қолдиқ даври) n/%

Симптомлар	БГЭ, n=42				ИЭ, n=59			
	ЎБ, n=7		ҚД, n=35		ЎБ, n=9		ҚД, n=50	
	n	%	n	%	n	%	n	%
1. Умумий юқумли симптомлар	5	71,4	21	60,0	4	44,4	11	22,0*
2. Менингеал симптомлар	6	85,7	11	31,4*	4	44,4	9	18,0*
3. Умумий мия симптомлари	3	42,9	11	31,4*	3	33,3	0	0,0
4. Онгнинг бузилиши	2	28,6	0	0,0	3	33,3	9	18,0*
5. Эпилептик хуружлар	1	14,3	28	80,0*	4	44,4	12	24,0*
6. Сизги бузилишлари:	3	42,9	11	31,4	5	55,6	21	42,0
7. Пирамидал белгилар: парез, тетрапарез	1	14,3	21	60,0*	2	22,2	9	18,0
- фақат рефлексор бузилишлар	5	71,4	14	40,0	5	55,6	19	38,0
8. Мияча атаксияси	1	14,3	4	11,4	0	0,0	0	0,0
9. Экстрапирамидал-гиперкинезлар	6	85,7	28	80,0	8	88,9	40	80,0
11. Кўришга оид: ретробулбар неврит	2	28,6	25	71,4*	0	0,0	8	16,0
12. Ўзакка оид: кўзни ҳаракатлантирувчи нерв	0	0,0	0	0,0	3	33,3	9	18,0*
- булбар	1	14,3	0	0,0	1	11,1	1	2,0*
- VII жуфт	0	0,0	4	11,4	1	11,1	10	20,0
- VIII жуфт (марказий)	1	14,3	4	11,4	1	11,1	0	0,0
14. Когнитив бузилишлар	1	14,3	14	40,0*	1	11,1	10	20,0

Эслатма: * – гуруҳлар орасидаги маълумотларнинг ишончилиги ($p < 0,05$)

Энцефалитнинг қолдиқ даврида неврологик белгилар 6 ойдан ортиқ вақтни ташкил қилди. Шунинг таъкидлаш керакки, касаллик қолдиқ даврида болаларда энцефалитнинг ялпи қолдиқ неврологик етишмовчилиги аниқланган. Қолдиқ даврида энцефалит билан хасталанган 18 нафар болада клиник кўринишлар уйқучанлик, ланжлик билан хусусиятланади. Барча беморларда сурункали пневмония ва

трансаминазаларнинг кўпайиши билан кечадиган бошқа аъзоларнинг ҳам касалланиши кузатилди. Клиник белгилар орасида энг кўп психомотор ривожланишдаги кечикишлар бўлди, бу барча болаларда кузатилди ва иккитасида гемипарез ривожланиши таъсирида симптоматик эпилепсия ривожланиши билан конвулсив синдром кузатилди. Нутқ ривожланиши ва амалий кўникмаларда кечикиш кузатилди. Шундай қилиб, энцефалитнинг неврологик оқибатлари БГЭ (90,5%)да ўзак-миячали, пирамидал, мияча ва ўзак бузилишларининг устунлиги, ўчоқли неврологик белгиларнинг политопик табиати билан тавсифланади, ИЭда неврологик аломатлар эса камроқ (50,5%) аниқланди. Болаларнинг ривожланиш даражасини 5 шкалада бевосита баҳолашга имкон берувчи тест натижалари ҳисобга олинди: билим, кичик ва катта моторика, рецептив ва ифодали нутқ.

Когнитив фаолиятни текшириш тестлари болаларнинг ёшига мос усуллар билан текширилди. 5 балли Бейли шкаласининг ҳар бирида (ўртача гуруҳ қийматлари) топшириқларни бажаришда болалар томонидан олинган баллар 3-жадвалда келтирилган.

3-жадвал

Асосий ва назорат гуруҳлари болаларида Бейли шкалалари бўйича ўртача қийматлар (баллар, ўртача қиймат \pm standart оғиш)

Гуруҳлар	Асосий гуруҳ (n=43)		Назорат гуруҳи (n=20)
	БГЭ (n=20)	ИЭ (n=23)	
Когнитив шкала	23,4 \pm 2,1*	27,8 \pm 2,3	29,9 \pm 1,8
Рецептив нутқ	6,5 \pm 1,2*^	8,9 \pm 1,3*	10,3 \pm 2,2
Экспрессив нутқ	6,6 \pm 1,2*^	7,8 \pm 1,1*	8,7 \pm 1,6
Кичик моторика	15,4 \pm 1,4*	16,1 \pm 1,5*	19,6 \pm 1,5
Катта моторика	17,5 \pm 2,2*^	22,4 \pm 2,4*	25,8 \pm 1,8

Эслатма: * – маълумотларнинг назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан ишончлилиги ($p < 0,05$); ^ – маълумотларнинг ИЭ ($p < 0,05$) болалар кўрсаткичларига нисбатан ишончлилиги

Тақдим этилган маълумотлардан кўриниб турибдики, Бейли шкалаларида БГЭ билан касалланган назорат гуруҳи болалари ва ИЭ (23,4 \pm 2,1; 27,8 \pm 2,3 ва 29,9 \pm 1,8 балл) бўлган болалардан фарқли равишда энг паст ўртача кўрсаткичга эга бўлиб, маълумотларнинг ишончлилиги фақат назорат гуруҳида ($p < 0,05$) қайд этилган. Рецептив нутқ шкаласига кўра БГЭ билан касалланган болаларда ўртача баллар нафақат назорат гуруҳи кўрсаткичларига, балки ИЭ бўлган болаларнинг ўртача кўрсаткичларига (мос равишда 6,5 \pm 1,2; 8,9 \pm 1,3 ва 10,3 \pm 2,2 балл; $p < 0,05$) нисбатан сезиларли даражада камайган.

Худди шундай намуна ифодали нутқ шкаласи бўйича маълумотларни таққослашда кузатилади (мос равишда 6,6 \pm 1,2; 7,8 \pm 1,1 ва 8,7 \pm 1,6 балл; $p < 0,05$).


Ўрта моторика шкаласи бўйича ўртача балл назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан БГЭ ва ИЭ билан касалланган болаларда анча паст бўлди (мос равишда $15,4 \pm 1,4$; $16,1 \pm 1,5$ ва $19,6 \pm 1,55$ балл; $p < 0,05$).

Катта моторика шкаласи бўйича кўрсаткичлар назорат гуруҳидаги маълумотларга нисбатан БГЭ ва ИЭда (мос равишда $17,5 \pm 2,2$; $22,4 \pm 2,4$ ва $25,8 \pm 1,8$ балл; $p < 0,05$) сезиларли даражада камайган. БГЭ билан касалланган болалар энг паст ўртача қийматларга эга бўлиб, ИЭ билан касалланган болаларнинг ўртача балларига нисбатан аҳамиятли бўлган (мос равишда $17,5 \pm 2,2$ ва $22,4 \pm 2,4$ балл; $p < 0,05$).

Шундай қилиб, эрта ёшда ЭФ билан касалланган болаларда касалликдан кейин сезги, мотор, вербал ва когнитив функциялар ривожланишининг кечикиши кузатилди. Шу билан бирга таъкидлаш лозимки, БГЭ билан касалланган болалар ИЭ билан касалланган болаларга нисбатан паст сезувчан моторли, вербал ва когнитив ўзгаришлар кузатилди. Эҳтимол, бола ўтказган энцефалит, айниқса, герпетик этиологияли энцефалит боланинг келажакда нейрокогнитив ривожланишининг барча жиҳатларига таъсир қилиши мумкин.

4 ёшдан 17 ёшгача бўлган болаларда ўтказилган тест синовлари асосида 51 нафар ЭФ (87,9%) билан касалланган болаларда хавотирланиш даражасининг ошиши аниқланди. БГЭ билан касалланган гуруҳда 21 ҳолатда (95,5%); ИЭ билан касалланган гуруҳда 30 ҳолатда (83,3%) ташвиш ортиши қайд этилди. БГЭ ва ИЭ ташвиш умумий даражасида муҳим фарқлар йўқ бўлсада, БГЭ билан касалланган болаларда ташвиш йўқлиги фоизи паст бўлди (4,5%), ИЭ билан касалланган болалар нисбатан 16,7% ни ташкил этди. Эҳтимол, бу БГЭ билан касалланган беморларнинг асосий қисми ҳиссий жавоб бериш ифодаланиши катта даражада бўлган ёш болалар туфайлидир.

Келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики (1-расм), БГЭ билан касалланган болаларда безовталиқ даражаси энг кўп 1–3 балл (35%), ИЭ бўлган гуруҳда эса 4–6 балл (52,8%) билан устунлик қилди.



1-расм. ЭФ билан касалланган болаларда ташвиш даражаси

Стресс манбаларининг патологик компенсация билан комбинациясида (биринчи ўринларда кўшимча рангларнинг жойлашуви) иккала гуруҳда ҳам муҳим фарқлар кузатилмади – БГЭ 54,5% ва ИЭ 52,8%. Шу билан бирга, нормал компенсацияда (биринчи жойларда асосий ранглар) фарқлар ишончлилиги юқори даражада бўлмасада, БГЭ (30,6%) билан касалланган гуруҳ билан солиштирганда ИЭ (18,2%) билан касалланган болаларда у ҳали ҳам юқори бўлганлиги қайд этилди.

Бу БГЭ билан касалланган беморларнинг чуқур психологик муаммоларини кўрсатади, яъни болалар юзага келган вазиятдан чиқиб кетишнинг тўғри йўлини топма олмай, фақат вақтинчалик енгиллик берадиган ҳаракат турини танлайдилар. Эҳтиёжнинг қондирилмаслиги уларга стрессдан ҳалос бўлишга ёрдам бермайди ва неврологик синдромларнинг ривожланишига олиб келади. Яширин ташвиш иккала гуруҳда ҳам аниқланмаган.

Кенг кўламли «долзарб муаммолар» қатори +3–7 (19,4% ва 13,6%); +4–7 (16,7% ва 9,1%); +5–7 (13,9% ва 4,5%) БГЭ ва ИЭда ҳам энг кўп учради. Бу жуфтларга чеклашлар, тақиқлар, эркинлик ва ўз-ўзини тасдиқлашдан қутулиш истаги умумийдир.

Биринчи навбатда, ЭФ билан касалланган болалар сариқ (ИЭ учун 27,8% ва БГЭ учун 22,7%) ва қизил ранг (ИЭ учун 27,8% ва БГЭ учун 19,4%) бўлиши эҳтимоли учради. Биринчи ўринда сариқнинг пайдо бўлиши эркин бўлиш, зиддиятдан қутулиш, енгиллик, озодликка умид қилиш истагини билдиради. БГЭ ва ИЭда ҳам иккинчи ўринни қизил (мос равишда 27,8% ва 19,4%), сариқ (мос равишда 22,2% ва 18,2%) ранглар эгаллади. Учинчи ҳолатда, БГЭ билан касаллаган болаларда, қизил ранг билан бирга (22,7%), кўк (13,6%) ва бинафша (13,6%) ранглар пайдо бўлди.

ИЭ билан касалланган гуруҳда учинчи ўринда қизил (27,8%), кўк (19,4%) ва яшил (16,7%) устун келди. Шу билан бирга, ИЭ билан касалланган гуруҳдаги болалар 22,2% ва БГЭ билан касалланган болалар 27,8% биринчи навбатда кўшимча ахроматик рангларни афзал кўришди (8,3% ва 13,6% қора, 13,6% ва 11,1% кулранг; 31,8% БГЭ билан касалланганда жигарранг).

Биринчи ўринда қора рангнинг пайдо бўлиши боладаги кўшимча ташвиш манбаи, ўта қатъий хатти-ҳаракат хусусиятини, мавжуд вазиятга норозилик, депрессияга мойилликни кўрсатади. Кулрангнинг пайдо бўлиши эса иштирок этмаслик, яққаланиш, ўзини ҳар қандай ташқи таъсирдан ҳимоя қилиш истагини билдиради.

Келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики (4-жадвал), назорат гуруҳида қисқа муддатли хотира ўртача $7,7 \pm 0,1$, узоқ муддатли хотира $8,9 \pm 0,1$ ва ёдлаш унумдорлиги эса $87,3 \pm 0,3$ сўзга тенг бўлганлигини кўрсатди.

**Текширилаётган болаларда 10 та сўзни қиёсий аспектда ёдлаш
учун тестнинг дастлабки кўрсаткичлари**

Текширилаётган гуруҳ	Қисқа муддатли хотира	Узоқ муддатли хотира	Ёдлашнинг унумдорлиги
Назорат (n=20)	7,7±0,1	8,9±0,1	87,3±0,3
Барча касаллар	7,5±0,2* 16,6%	7,3±0,1* 17,9%*	56,0±0,13* 47,1%
ИЭ (n=36)	7,1±0,12* 7,79%	7,9±0,13* 11,2%	54,6±0,13* 37,4%
БГЭ (n=22)	6,8±0,12*^ 24,6%	7,1±0,13*^ 23,5%	48,0±0,11*^ 56,4%

Эслатма: % кўрсаткичнинг назорат гуруҳига нисбатан ўсиш ёки камайиш даражасини акс эттирувчи маълумотларни ўз ичига олади; * – назорат гуруҳи маълумотларига нисбатан сезиларли даражада (*p < 0,05); ^ – ИЭ ва БГЭ маълумотлари орасидаги сезиларли фарқлар (^p < 0,05).

ЭФ билан касалланган барча текширилган болаларда оғишлар аниқланди. Шундай қилиб, қисқа муддатли хотира 6,5±0,21, узоқ муддатли хотира 7,3±0,1, эслаб қолиш унумдорлиги эса 46,0±0,13 бўлиб, у назорат гуруҳидан сезиларли даражада фарқ қилди (p < 0,001).

Яъни, барча беморлар биринчи ва такрорий гапиришларда камроқ сўзларни эсладилар. Шунга кўра, эсда олиб қолиш унумдорлиги ҳам пасайди. Назорат гуруҳига нисбатан фарқлар қисқа муддатли хотира учун 16,6% ва узоқ муддатли хотира учун 17,9% бўлди. Фарқларни таҳлил қилишда сўров ўтказилган гуруҳларда қуйидаги фарқлар аниқланди.

Шундай қилиб, БГЭ билан касалланган беморларда қисқа муддатли хотира 6,8±0,12, узоқ муддатли хотира 7,1±0,13 га тенг бўлиб, эслаб қолиш унумдорлиги 48,0±0,11 ни ташкил этди. ИЭ билан касалланган беморларда бу кўрсаткичлар мос равишда 7,1±0,12, 7,9±0,13 ва 54,6±0,13 ни ташкил этиб, бу кўрсаткич анча юқори бўлди (p < 0,001). Шундай қилиб, БГЭ билан касалланган болаларда назорат билан солиштирганда оғишлардаги фарқлар қисқа муддатли хотира учун 24,6%, узоқ муддатли хотира учун 23,5% ва хотира унумдорлиги учун 56,4% ни ташкил этди. БГЭ билан касалланган болаларда оғишлар мос равишда 7,79%, 11,2% ва 37,4% ни ташкил этди. Келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, хотиранинг иккала компоненти параметрларининг бузилиши ва хотира унумдорлиги ИЭга нисбатан БГЭда кўпроқ намоён бўлди.

Ўтказилган намуналар таҳлили назорат гуруҳига нисбатан ИЭ ва БГЭ билан касалланган болаларда диққатни жамлаш коэффицентининг сезиларли даражада пасайишини кўрсатди (p < 0,001). ЭФ билан касалланган болалар кўпроқ хато ва камчиликлар қилди. ЭФ билан касалланган болаларда

БГЭда ҳам, ИЭда ҳам вазифани бажаришнинг аниқлик коэффиценти анча паст бўлди; $p < 0,05$ (5-жадвал).

5-жадвал

Қиёсий жиҳатдан ЭФ билан касалланган болаларда текширилган Тулуз-Перон тестининг асосий кўрсаткичлари

Ёш гуруҳлари	Бажариш тезлиги (к)				
	Патология	Кучсиз	Ўртача ёки ёш нормаси	Яхши	Юқори
	0,89 ва кам	0,9–0,91	0,92–0,95	0,96–0,97	0,98–1
ИЭ, (n=36)	1 (5%) 0,89	4 (20%) 0,9±0,01	8 (40%) 0,94±0,03	6 (30%) 0,96±0,02	1 (5%) 0,98±0,01
БГЭ, (n=22)	3 (10%) 0,89±0,02	10 (33,3%) 0,91±0,01	14 (46,7%) 0,93±0,02	3 (10%) 0,96±0,01	-
Назорат (n=20)	-	-	4 (20%) 0,95±0,02	6 (30%) 0,97±0,01	10 (50%) 0,99±0,02

ЭФ билан касалланган болалар гуруҳидаги хатолар сони ИЭ учун 3 дан 26 гача ва БГЭ учун 3 дан 29 гача ўзгариб турди. ЭФ билан касаланган болаларда иш унумдорлиги анча паст бўлди ($p < 0,001$). Дикқатни алмаштириш коэффиценти хатолар сонини фоиз сифатида акс эттирди, кўрсаткич қанча юқори бўлса, натижа шунча ёмонлашди. ЭФ билан касалланган болаларда хатолар фоизи ИЭ ва БГЭ учун мос равишда 1,5–3 марта юқори бўлди ($p < 0,05$).

ЭФ билан касалланган барча болаларда топширикни бажариш даражаси назорат гуруҳига нисбатан анча паст бўлди ($p < 0,001$). Олинган маълумотлар асосида ИЭ билан касалланган болалар БГЭга нисбатан сезиларли даражада юқори концентрацияга эга эканлиги аниқланди.

Ўткир ости даврида ЭФ билан касалланган болаларнинг иммунологик ҳолатини ўрганганимизда, Т-лимфоцитлар, Т-ёрдамчи/индукторлар ва Т-супрессорлар/цитотоксик лимфоцитларнинг сезиларли камайиш фонида периферик қондаги лейкоцитлар ва лимфоцитлар таркибида ишончли ўсиш борлигини аниқладик – $1,2 \pm 0,04$ ($p < 0,05$) (6-жадвал).

6-жадвал

Иммунитетнинг хужайрали звеноси кўрсаткичлари

Иммунологик кўрсаткичлар	Назорат (n=10)	Энцефалитларнинг ўткир бўлмаган кечиши (n=10)	Энцефалитларнинг қолдиқ даври	
			БГЭ, (n=15)	ИЭ, (n=15)
Лейкоцитлар, г/л	6,4±0,31	7,4±0,31*	6,9±0,44	7,6±0,32*^
Лимфоцитлар, %	38,3±1,1	45,2±0,93*	46,8±1,37*	66,4±1,00*^
Лимфоцицлар, (абс)	1850±124,3	3403,3±208,5*	2435,8±278,56*	4255,5±164,0*
CD3+, %	57,9±0,65	39,1±0,83*	42,3±1,41*	30,9±1,16*
CD3+ (абс)	1350±10,6	1323,6±86,48	1316,4±184,47	1161,1±102,59*
CD4+, %	34,6±0,5	27,4±0,41*	29,8±0,74*	26,7±1,60*
CD4+ (абс)	985,2±21,5	798,2±51,34	899,0±96,46	623,5±77,60
CD8+, %	20,9±0,23	19,3±0,50	18,7±0,67*	17,4±0,59*
CD8+ (абс)	185,3±25,4	663,1±46,27	548,5±78,05*	764,9±42,93*
CD16+, %	9,4±0,29	16,8±0,54*	15,2±0,54*	17,6±0,78*
ИРИ (CD4+ / CD8+)	1,66±0,02	1,2±0,04*	1,52±0,02	1,41±0,05*^

Эслатма: * – назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан маълумотларнинг ишончлилиги (p<0,05); ^ – БГЭ ва ИЭ гуруҳларидаги кўрсаткичлар орасидаги маълумотларнинг ишончлилиги

ЭФнинг қолдиқ даврида иммунологик ҳолатдаги маълумотларни барқарорлаштириш билан хусусиятланади. Бироқ шуни таъкидлаш лозимки, ЭФнинг қолдиқ даврида болаларда БГЭда иммунологик ҳолат номутаносиб хусусият касб этиб, унинг кўрсаткичлари назорат гуруҳига нисбатан сезиларли ўзгаришларга учради. ИЭ билан эса болаларда иммун ҳолатининг кўпгина кўрсаткичлари нормаллашишга мойил бўлиб, 66,7% ҳолларда стандарт қийматларга эришди, бу эса БГЭ (20,0%)га нисбатан 46,7% га юқори бўлади. ЭФ билан касалланган болаларда иммунитетнинг гуморал боғланишида ўткир бўлмаган (7-жадвал) ва касалликнинг қолдиқ даврида CD19+, IgA, IgM ва IgG (p<0,05) кўрсаткичларида сезиларли ўсиш кузатилди.

Гарчи қолдиқ даври кечишда гуморал боғланиш маълумотларини нормаллаштиришга мойиллик бўлса ҳам, БГЭ билан касалланган болаларда кўрсаткичлар назорат маълумотларига нисбатан ҳам, ИЭ билан касалланган болалар кўрсаткичларига нисбатан ҳам гуморал боғланишнинг барча даражаларида сезиларли даражада ошди.

7-жадвал

Иммунитетнинг гуморал боғланиш кўрсаткичлари

Иммунологик кўрсаткичлар	Назорат (n=10)	Энцефалитларнинг ўткир бўлмаган кечиши (n=10)	Энцефалитларнинг қолдиқ даври	
			БГЭ (n=15)	ИЭ (n=15)
CD19+, %	24,7±0,71	23,9±0,65	25,4±1,29*	26,5±0,59*
IgA, мг%	130,1±2,6	179,0±4,55*	148,1±3,86	156,2±3,64*^
IgM, мг%	133,5±6,3	154,4±3,89	152,2±3,26	160,9±4,20*
IgG, мг%	1194,0±45,6	1650,3±27,73*	1330,0±41,94	1725,5±31,81*^

Эслатма: * – назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан маълумотларнинг ишончлилиги (p<0,05); ^ – БГЭ ва ИЭ гуруҳларидаги кўрсаткичлар орасидаги маълумотларнинг ишончлилиги

ЭФ қолдиқ даврида ИЭ билан касалланган болаларнинг 73,3% да гуморал ҳолат барқарорлашиши кузатилди ва унинг кўрсаткичлари муқим кўрсаткичларга етди. БГЭ билан касалланган болаларда кўрсаткичлар барқарорлашиши фақат 33,3% ҳолларда қайд этилиб, 2,2 баробар кам кўрсаткичга эга бўлди ($p<0,05$).

Иммунитетнинг фаоллаштириш маркерлари даражаси таҳлил қилинганда ўткир бўлмаган ва қолдиқ даврида ЭФ билан касалланган болаларда CD38+ ва CD95+ нинг сезиларли ўсиши кузатилди (8-жадвал).

8-жадвал

Иммунитетнинг баъзи фаоллаштириш маркерлари кўрсаткичлари

Иммунологик кўрсаткичлар	Назорат (n=10)	Энцефалитларнинг ўткир бўлмаган кечиши (n=10)	Энцефалитларнинг қолдиқ даври	
			БГЭ (n=15)	ИЭ (n=15)
CD38+, %	26,5±0,80	32,0±0,58*	28,5±0,70*	29,3±0,94*
CD38+ (абс)	530,1±36,46	1083,2±64,41*	688,6±74,14*	657,3±46,62
CD95+, %	26,3±1,58	33,9±0,57*	37,2±0,53*	26,0±0,93*^
CD95+ (абс)	523,1±39,76	1162,5±81,19*	662,7±79,07*	596,4±59,30*^

